

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 49 (6. 538)

1988 йил 29 февраль, душанба

Баҳоси 3 тийим



Сифатга кафолат

— Ҳозирги пайтда иш сифатига катта эътибор берилляпти. Бусиз биронта ҳам участка ёки бригада меҳнатига баҳо бериш мумкин эмас. Гап товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳақида борадими, буюртмалар етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажариш тўғрисида борадими, сифат ишмизининг асосий мезони бўлиб қолаверади, — дейди В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комплекс бригадасининг бошлиғи Владимир Дьянов.

Механика-йиғув цехидагина эмас, балки бутун бирлашмада бу бригада ишининг сифати оғизга тушаётгани бежиз эмас. Корхонада детал ва маҳсулотларини биринчи тақдими эътидаёқ топириш ҳаракати кенг тус олган. В. Дьянов бригадасининг ҳамма аъзолари ўз маҳсулотларини биринчи тақ-

дим эътидаёқ топириш ҳуқуқини қўлга киритишган. Бошқача айтганда, улар сифатга кафолат бериб ишлашда қўпчиликлана намуна бўлмоқдалар.

— Комплекс бригаданинг энг аъло хусусиятларидан бири ҳам шу, — деди бирлашма партия комитети секретарининг уринбосари А. Ганиханов. — Улар асосан ностандарт ускуналар тайёрлашади. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришда улар олдинга тушадигани йўқ.

Ҳозир механика-йиғув цехи пешқадамларига иллагашиллик аппаратлари тайёрлаш вазифаси топирилган. Улар бу топириқни сийдирилдан адо этишляпти.

Янгиланиш йўлидан далил бораётган А. Карасев, М. Абдуллаев, А. Абдумажидов сингари меҳнат зарбдорларидан қўпчиликлана намуна оляпти.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

Пардозга топширилди

○ Студентлар шаҳарчасида яна бир тўққиз қаватли 240 ўринли ётоқхона биноси қад ростлади.

Бу — Тошкент давлат университети аспирантларининг қатор қўлайликларга эга бўлган ётоқхонасидир. Бино лойиҳасини «Ташипрогор» институти лойиҳачилари тайёрлашган. Ётоқхона секция тилида қўрилган бўлиб, ҳар бир қаватда ошхона ва ювниш комплекси мавжуд.

Бинонинг биринчи қаватида 110 квадрат метрли дам олиш хонаси, фотолaborатория, радиоузел ва буфет жойлашди.

Объектда қўрилиш монтаж ишларини 12-трестга қарашли 49-қўрилиш бошқармасининг Миршохид Мусаев бошлиқ бригадаси аъзолари олиб боришди. Б. Пўлатов, А. Смирнов, Х. Зукуров, Ю. Тўлаганов каби илгорлар кунлик нормаларини ошириб бажариб коллектив ютуғига салмоқли ҳисса қўшдилар. Бинони пардозловчиларга топширган қўрувчилар унинг ёнидаги яна бир 9 қаватли 240 ўринли студентлар ётоқхонаси қўрилишини бошлаб юбордилар.

Инсон омили самараси

«Қўйил-1» массивидаги чўтка ва картон буюмлари комбинатида ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Уларнинг фарзандлари учун шу яқин-атрофда боғча ва бошқа объектлар ишлаб турибди.

Коллектив аъзолари бу ғамхўрликларга жавобан мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга, ишлаб чиқаришни интенсификация қилишга, қўвватлардан тобора самарали фойдаланишга астойдил ҳаракат қилишляпти. Буни ўтган ой иш натижаларидан ҳам билса бўлади. Коллектив маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича январь ойи топиригини муддатидан олдин бажарди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш, интизомни мустаҳкамлаш эвазига тайёрланган маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу ойидагига нисбатан, 12 процент ўсди.

Корхона шахримиздаги кўплаб саноат корхоналарига ўраш ва қадоқлаш буюмларини етказиб беради.

Ҳозир комбинат ишчилари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига социалистик мусобақани авж олдириб ишлашмоқда, унга қадам планга қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот 600 минг сўмликка етказилади.

Д. ОБЛАЕВ.

Тез ва сифатли

Ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили дастлабки ойн якунига кўра Н. Раҳматуллаев бошлиқ дурадгорлар бригадаси социалистик мусобақада пешқадамликни қўлга киритди. Бу коллектив 3-уйсозлик комбинатида қарашли 3-пардозлаш-қўрилиш бошқармасида қизғин фаолият кўрсатиб ишламоқда.

Шу бригаданинг илгор қўрувчилари Юнусобод массивида бунёд этилаётган 9 қаватли, умумий ҳажми 10 минг 100 квадрат метрдан иборат бўлган турар жой биносидан сўнгги дурадгорлик ишларини олиб боришмоқда. Бригада янги йилнинг биринчи ойн топириқларини муддатидан олдин якунлади. Ҳозир ҳам графикдан ўзиб ишламоқда. Дурадгорлар графикдан ўзиб ишлаш билан бирга, барча ишларни сифатли бажаришга алоҳида эътибор беришмоқда.

Суръатни ошириб

Юнусобод массивининг 8 кварталда 126 квартиралар 9 қаватли бино жадал суръатлар билан қўкка бўй чўзмоқда.

Бинони 3-уйсозлик комбинатида қарашли 2-қўрилиш бошқармасининг Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари нишондори В. Н. Демидов бригадаси аъзолари бунёд этмоқдалар.

— Иморат шу йилнинг биринчи кварталда ишга тушиши керак, — дейди В. Демидов. — Шунинг учун ҳам бригадамиз қўрувчилари ойлик ва квартал планларни мунтазам адо этмоқдалар. Бунда ишчиларимизнинг бир нечта мутахассислиқни эгаллаганлари жуда қўл келди.

Бригаданинг жоңкуяр қўрувчиларидан С. Наримонов, Х. Файзуллаев қўрилиш майдонида баракали меҳнат қилиб, иш суръати ва сифатини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

С. МАМАЖОНОВ.



«Тошкент оқшом» сайёр редакцияси Ҳамза районида

Гулчамбар

Ҳамза турар ўйчан, пурвиқор, Шаҳримнинг гавжум жойида. Келганида яшаб навбахор Гул қўямиз унинг пойига. У бир гулхан — сўниш билмайди.

Курашларга чорлайди ёниб. Арсларни писанд қилмайди, У яшайди ажалдан тоғиб. У бир қўёш, нурлари тигдор, Сигинади интилиб башар. Унинг умри қўшиқдай пойдор, Унинг умри—халққа гулчамбар!

Факт ва рақамлар

○ Машинасозлик ва металл қайта ишлаш корхоналарида меҳнат унумдорлиги шу беш йилликда 32,5 процент ошди, машинасозлик ва металл қайта ишлаш корхоналарининг ҳиссаси райондаги жами саноат маҳсулотларининг 71 процентини ташкил этади.

○ Районда товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳар беш йилликда муттасил ошиб бормоқда. Масалан, ўн иккинчи беш йилликда товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг бир процент ўсиши 5,3 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ўн биринчи беш йилликда 8 миллион сўмни ташкил этади.

○ Саноат маҳсулотлари орасида пахта териш машиналари алоҳида ўрин тутди. Ун иккинчи беш йилликда пахта териш машиналарининг янги моделларини ишлаб чиқариш 1985 йилдаги 9 минг 425 та ўрнига 1990 йилга бориб 10 минг 500 тага етказилади.



Бизнинг справка

Тошкент шаҳрининг Йиллик районларидан бири — Ҳамза райони 1968 йилда ташкил этилган.

Унинг майдони — 3150 гектар. Аҳолиси 243 минг кишини ташкил этади. Шундан 125 мингдан зиёд киши саноат корхоналари, қўрилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида ишляпти.

Район саноат корхоналари 1150 хил буюмлар ишлаб чиқаради. 30 та чет эл мамлакатига маҳсулотлар экспорт қилади. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ташсельмаш» ва бошқа кўплаб корхоналар ишлаб чиқараётган саноат маҳсулотлари умумий ҳажми йилига 1 миллиард 281 миллион сўмликдан ошади.

Районда жами 27 та кор-

хона мавжуд. Район саноат, бинокорлик материаллари корхоналарида бутун Тошкентда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг 29 процентдан зиёди тайёрланмоқда.

Районда ҳозир 2 та маданият саройи, 6 та касабасоюзлари клуби, 3 та маданият уйи, 4 та қишлоқ ва 6 та ёғи кинотеатр ишлаб турибди.

Район территориясида ТошМИ ва Киев граждана авиацияси инженерлари институти филиали, авиация техникуми, индустриал-педагогика техникуми, Тошкент машинасозлик техникуми, 5 та музика мактаби, 6 та хунар-техника билим юрти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президиуми, Ўзбекистон телеграф агентлиги ва бошқа ташкилот ҳамда муассасалар фаолият кўрсатмоқда.



Бу илгорлар Тошкент тепловоз депосида ишлашади. Тепловоз машинистлари Александр Шинкарёв (чапда) Николай Беляев ва машинист ёрдамчиси Рустам Раҳматуллаев бригадаси ўзаро социалистик мусобақада қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Улар бутун депода ўз ишларига сийдирилдан ёндошларини, мастуляятини юксак даражада ҳис этишларни туфайли олқишга сазовор бўлишляпти. Масалан, ўтган йилнинг уч кварталли мобайнида улар голибликни қўлдан беришмади.

Илгор машинистларнинг бу йилги ғайрат-шижоати ҳам қўпчилиқни қувонтиряпти. Янги йилнинг дастлабки ойларидаёқ яна пешқадамлар сафида бормоқдалар.

Чапдаги суратда Ҳамза районида қўрилаётган янги турар жой бинолари.

М. Нуриддинов ва Т. Каримов фотолари.



● Хартумда Судан-Совет дўстлик уйининг тантанали очилиш маросими бўлди. Судан-Совет дўстлик жамиятининг раиси Фахриддин Мўхаммад ана шу воқеага бағишланган кечада сўзга чиқиб, СССР ва Судан халқларини дўстлик ва самимий муносабатлар бир-бирига боғлайди, деб қайд этди. Тантанали кечада Суданнинг жамоат ва сийёсий арбоблари, дипломатик корпуси ва киллари ҳозир бўлдилар.

● ЖАР пойтахти — Преторияда янги нацистларнинг йи-

рик йиғини бўлди. Бу мамлакатда ўта ўнг кучларнинг кучайиб бораётганидан яна бир далилатдир. «Ирқий айирмачилик абадий яшамоғи лозим. Жанубий Африкани ҳамиша оқлар, олий ирқ вакиллари бошқардилар, — деди ўта ўнг кучлар митингида миллатчилик идеологиясини тарғиб этувчи «Африка қаршилик ҳаракати» ташкилотининг раҳбари Юджин Терблэнш. — Биз ҳоқимиятни ўз қўлига олмаганга тейёр бўлишимиз лозим». Йилнинг ўртада ерга етиб келган полициянинг қатнашчиларига қарши ҳеч қандай чора кўргани йўқ.

● Кипр пойтахтида Исроилнинг ливан ва фаластин халқларига қарши жиноятлари устидан тергов олиб бораётган


Халқаро комиссия секретариатининг мажлислари ўтаётти. Ўз сафарига Англия, ГФР, АКШ, СССР, Франция, Сенегал, Греция ва бошқа мамлакатларнинг жамоат арбоблари ва халқаро ҳуқуқ соҳасидаги мутахассисларини бйрлаштирган мазкур мустақил ташкилот фаолият кўрсатаётганига мана олти йил бўлди.

● Комиссия исроил ҳарбийларининг бебошлиги ва жиноятлари шохиди бўлганларнинг кўп сонли гувоҳликларини тинглади.

● Англияда ишчилар учун... биринчи умуммиллий газета чиқа бошлади. «Ишга ёланаётган» — янги нашрининг номи таржимада тахминан шундай маънони билдиради. Маз-

кур нашр бошқа газеталардан фарқли равишда ўз газетонлари қўпайишини эмас, қамалишини мақсад қилиб қўяди. Ишчилар тўғрисида материаллар ва ишга жойлашши бўйича қўпсонли фойдали маслаҳатлар бериб бориладиган, ҳар ойда бир чиқувчи, саккиз саҳифали газета асосан меҳнат биржасида қўпсонли сотилади.

● Португалиянинг шимолидаги Понти-ду-Лима посёлкасида энг узок давом этган суд процессларидан бири ниҳоясига етди. Португалия Компартиясининг маҳаллий комитети жойлашган биного ўт қўйишда айбдор деб топилган икки террорчи 2,5 йил қамоқ жазосига ва пул жаримасига ҳукм қилинган.



29 февраль — 6 март

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг илмий раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Мажинов таърифи остида.

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра, шу ҳафтанинг бошларида салқин ҳаво сакланиб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Кечаси 1—6 даража совуқ, кундузи 8—12 даража иссиқ бўлади. Шундан кейин кунлар исий бошляди, Кечаси 2—7 даража, кундузи 14—19 даража иссиқ. Бирок, ҳафтанинг охирига бориб, жанубдан салқин ҳаво оқими кириб келиши натижасида ёмғир ёғади. Ҳафта мобайнида ўртача ҳарорат меъёридан бирмунча ортқидир.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия

илмий-тадқиқот институтининг медицина метеорология маълумотлари ва метеорологик профилактика маркази мутахассисларининг фикрига кўра, бундай об-ҳаво хусусияти беморларнинг кўпчилигида нохуш аломатлар ҳосил қилмайди. Бирок ҳафтанинг охирига бориб, жанубдан салқин ҳаво оқими кириб келиши натижасида нафас-ўпка аъзолари, юрак, томир ва миё ҳамада бундан шамоллаши хасталигига чалинган беморларнинг кайфиятида ўзгариш юз бериши мумкин.

Об-ҳаво ўзгарган бундай кунларда беморларни парва

риш қилиш мақсадида уларнинг қон босимини вақти-вақти билан ўлчаб туриш керак. Зарур бўлган ҳолларда врач тавсиясига биноан дори-дармонларни қабул қилиш масала қилинади.

Таянч — нафас аъзолари хасталанган беморлар оғриқ қолдирадиган дори-дармонларни қабул қилишлари лозим. Ҳафтанинг об-ҳавоси қўлай келган кунларда беморларга чиқинчи машқларини девом эттириш маслаҳат берилади. Даволаш гимнастикаси машқларини нафас олиш машқлари билан қўшиб бажариш фойда фойдали бўлади.

Ҳамза райони шахримиздаги йирик саноат районларидан бири ҳисобланиб, пойтахт экономикасини ривожлантиришда муҳим ўрни тутади.

Ҳўш, XII беш йилликда ана шу районда аҳоли учун қандай янги уй-жой бинолари қурилади, район меҳнаткашлари учун қандай қулайликлар яратилади? Қўйида районнинг бош архитектори Пулат Абдулжалилович Саримсоқов муҳбиримизга ана шу ҳақда сўзлаб берди.

— Яқинда бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми халқ маорифи системасини, яъни умумий таълим ва ҳунар мактаби билан бирга янги пайтда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш вазифаларини ҳам белгилаб берди...

Ҳақиқатини тўғри айтиш керак, бизнинг таълим тармагидаги ҳақ маорифни ривожлантириш билан боғлиқ қурилишлар қизиб кетган. Ун иккинчи беш йилликда умумтаълим мактаблари учун замонавий бинолар қуриб берилади, мактабларини илоҳи борича аҳолига яқинроқ жойларда қуришга эътибор қаратилади. 11 та типовой мактаб бунёд этамиз. Мактаблар сони кейинги вақтларда йил сайин ошиб боради. Масалан, ўтган йил 27 та мактаб бўлган бўлса, бу йил ана битта мактаб қуриш мўлжалланган. 1990 йилга бориб 30 тага етказилади.

Келинг, сўзимизни мактабдан бошлаганимиз учун у билан боғлиқ муаммолар борлигини ҳам айтиб ўтай. Биргина мисол. Кейинги вақтларда бизда янги масивлар бунёд этиляпти. Уй-жойлар қад қўтаришти-аммо илоҳи мактаб, болалар боғчалари қуриб берилмапти. Ҳолбуки булар лойиҳада кўзда тутилган. Лисунов кўчасида авиасозлар маданияти ва техника саройи ёнида тўққиз қаватли уй қурилади. Аммо шу атрофдаги ҳозирги мавжуд мактабларда ўқувчи ўқилари еттишмаяпти.

Умуман шуни айтиш лозимки, райониимизда мактаб бинолари қурилиши энг тизим муаммолардан бири бўлиб турибди.

— Район аҳолисини янги уй-жойлар билан таъминлаш-чи?

— Райониимизни социал ва иқтисодий ривожлантириш пиланида аҳолини шинам квартиралар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Қурилиш суръатлари охири боради. Янги пайтда эски турар-жой фонднинг реконструкция қилиш ва ян-

гиллашга ҳам эътибор қаратилади. Бу қисман шахсий уй-жойларга ҳам тааллуқли. Районда уй-жой ҳажми анча кенгайганига қарамай у ҳозирги талабларга ҳали тўла жавоб берилади. Масалан, район аҳолисини уй-жой билан таъминлаш суръа-

ти ҳозир қаноатланарли эмас. Бунинг сабаблари ҳам бор. Биринчидан, аҳоли сони тез суръатларда ўсишти. Иккинчидан, эскирган турар жойлар қўллаб бўзляпти. Учинчидан, қурилиш индустрияси корхоналари ва бинокорлик материаллари саноати корхоналари турар-жой қурилишининг ҳозирги юксак талабларидан сони жихатдан ҳам орқада қолмоқда.

Ун иккинчи беш йилликда районда 555,4 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш кўзда тутиляпти.

Ҳозирги вақтда районда 11,9 минг оила уй-жой шартноларини яхшилашга муҳтождир.

— Уй-жойлар қуришда районнинг узига хос қандай муаммолари бор?

— Аввало, райониимизда саноат корхоналари жуда кўп. Самолётларнинг узлуксиз учиб-қўниши мавжуд турар жойларда ис-

тикомат қилаётганларни тез-тез безовта қилишдан ташқари янги уй-жойларни қурилишига ҳам гов бўлмоқда. Районда деярли бўш турган ер йўқ. Саноат корхонасининг девори ортидан турар жойлар бошланиб кетган. Демак, ўз-ўзидан янги турар-жойларни фават яроқсиз уйлари бузиш ҳисобида бунёд этишимизга тўғри келяпти. Бунинг устига уйлар қуриш учун маблағ етишмайди...

— Эски уйлари бузиш— энг кийин муаммолардан бири. Неча йиллар шу ерда яшаб ўрганган кишиларнинг янги жойга қўниқини осон бўлмайдику, шундай эмасми?

— Агар ун биринчи беш йилликда 655 минг квадрат метр эски гилдаги уйлар бу-

зилган бўлса, бу беш йилликда 483 минг квадрат метр эски уйлар бузилади. Бу уйлар асосан маҳаллий типдаги бир қаватли, нураб, тўкилиб турган уйлардир.

Қўйлиқ атрофидаги уйларнинг қўпчилиги ана шундай, яроқсиз уйлар бўлиб, келгусида улар ўрнига янги, замонавий уйлар қад қўтаради: янги, ҳажмли блокли уйлар қурилади.

Бундан ташқари 1988 йилда Генерал Петров кўчаси чорраҳасида 2 та 12 қаватли турар-жой бинолари қад қўтаради.

Бу йил Қўйишев шоссесида, ҳалқа йўлда янги тўққиз қаватли бинолар бунёд этилади (эски, яроқсиз уйлари бузиш ҳисобида).

Генерал Петров, Чизельная, Цялковский кўчалари оралиғида эса янги турар жой массиви қурилиши бошлаб юборилди.

Шунингдек Цялковский, Ново-Ульяновский, Генерал Петров кўчалари оралиғида бу йил янги массив бунёд этилади. Шу беш йилликда Автосозлар шаҳарчасида Сивец кўчасида «Ташгипро-

гор» институти 16-қаватли турар жой биносини лойиҳалаштирди. Унинг пастки қаватига магазин, маиший хизмат кўрсатиш тоқчалари, ер ости гаражи жойлаштирилади. Шу кўчада яна маданий-оқартув марказини бунёд этиш мўлжалланмоқда. Унинг ёнида усти ёпиқ сузиш ҳавзаси ва спорт зали бўлади.

Слоним кўчасида спорт-соғломлаштириш комплекси қурилади. Бундан ташқари эксперименталь кўприк—темир-бетон конструкциялари заводининг спорт-соғломлаштириш комплекси ҳам қурилади.

— Демак, аҳолига қўлай шартно яратиб бериш кўзда тутилган, шундайми?

— Ҳа. Аммо райониимиз бу масалада ҳали ёрдамга муҳтож. Комплекс қурилишларимиз йўқ ҳисоби. Кўп ерларда турар жой бинолари қурилгану маданий-маиший савдо марказлари эса кам...

Корхоналар, бирлашмаларни уй-жойлар қуришга маблағ билан ҳисса қўишга кўпроқ жалб этишга эътибор берилмаптими?

— Ҳа. Ун биринчи беш йилликда фойдаланишга топширилган умумий турар-жой ҳажмининг 10,8 процентини улар ҳиссасига тўғри келган, ана шундай йўл билан қурилган эди. Бу беш йилликда бунга янада кўпроқ аҳамият берилмоқда.

— Районнинг янги турар жой майдонлари шаҳар чегарасидан чиқмайдими?

— Чиқади. Бўш еримиз йўқлиги сабабли Оржоникидзе районидаги Ленин номида кўлоҳ территориясидан ҳозирча 100 гектарга яқин ер майдони олди.

«Галабининг 40 йиллиги» массиви бунёд этиляпти. В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига бу йил уй-жойлар қуриш учун 40 гектар ер ажратилди.

Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозини райониимизга уй-жойлар қуриш учун ер берди.

— Демак, янги уй-жойлар асосан Охангарон шоссеси бўйидаги, Генерал Петров, Цялковский, Ново-Ульяновский микрорайонларида, шунингдек янги ажратилган ерларда барпо этиларкан. Шу яқин орада қўлаб ҳам-маиш хизматлари яхшилланган, обод ва ёруғ уйларда истикомат қилишда деган гап.

— Сўхбатни Х. ИКРОМОВ олиб борди.

Инсон саломатлиги йўлида

Ҳамза районида «Хотин-қизлар консултацияси» биноси қурилиши бошлаб юборилди. Бино лойиҳада «Ташгипрогор» институтида тайёрланган. Бинонинг ташқи пардасига плиталар безаб бўлиб тушади, ойналарга қўшдан ҳимос қилиш воситаси ўрнатилди. Бу қуришга 100 минг сўм капитал маблағ ажратилган. Бинокорлик ишларини «Гавташкентстройининг 12-трестига қарашли 50-қурилиш бошқармасининг А. Чистяков бошлиқ бригада азалматлари олиб боришмоқда.

Коллектив имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бино қурилишини Бутуниттфок XIX партия конференциясига қадар битиришга аҳд қилган.

С. МАМАЖОНОВ.

Ҳамза райони пойтахтимизнинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, Генерал Петров ва Қўйишев кўчалари ҳамда Охангарон билан Қўйишев шосселари оралиғидаги майдонларни эгаллайди. Аҳоли яшайдиган Россияви ва Янги-обод массивлари ҳам шу ерда. Бу ерлар Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилидаги текис юзларга тўғри келади. Лекин кўп қаватли бинолар қурилиши дарёнинг чап соҳилига қараб кенг қўлаб ёлмоқда.

Ушбу йили бошида ташкил этган энг яхши ишларимиздан бири педагогик синф бўлди. Педсиффа Солимон Ҳасанов бошлиқлик қилапти.

Педсиффининг шарт-шароити қўйидаги: 9-10 синф ўқувчиларидан келгусида ўқитувчи бўлишни хоҳловчилар бир синфга йиғилади. Улар ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига бормасдан, ҳафтада бир кун педагогика асосларини, она тили ва адабиётини чуқур ўрганадилар. Педсиффини тугатган ўқувчиларга гувоҳнома берилади. Педагогика институтлари-га киришадиганда ҳам алоҳида имтиҳонга эга бўладилар.

Мақсад — бўлажақ ўқитувчиларимизни мактаб партавидан шу касбга ўргатиб бориш. МУЯССАР ОРИҚҲУЖАЕВА: қиладиган ишларимиз кўпчилигини янада таъкидлаш ортиқча. Мактабимизда ўқиш икки сменада олиб борилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, исплохот талабларига тўла жавоб беришимиз учун етарли база йўқ. Устахонадаги дурадгорлик дастгоҳларини сотиб олинганда 20 йил бўлди. Ўқувчиларга ҳозирги кун даражасида таълим бериш учун моддий-техника базаси бўлиши шарт.

Дарслар бир сменада бўлганида дарсдан ташқари ишларни юқори савида олиб бора-сак бўлади. Болалар ҳам ҳаммаша назорат остида турардилар. Ҳозир тўғрақ машғулотни ўқитиш учун қайси синф бўш экан, деб қидириб юрамиз.

База йўқлиги биз учун баҳона бўлолмайди. Мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланамиз. Келажакдан эса... Келажакдан умидимиз катта.

Биргина шу мактабда қанча муаммо. Тўғри, исплохот бир кунда амалга ошадиган осон иш эмас. Иштирганга толе ёр, дейди халқимиз. Фарзандларимизни оталар аниясига муносиват қилиб бўлиб еттишимиз учун барча имкониятини ишга солиш — ҳаммамизнинг вийждоний бурчимиздир.

В. ЗАЙНУДИНОВ.

«Тошкент оқшоми» сайёр редакцияси Ҳамза районида

Факт ва рақамлар

○ Ун иккинчи беш йилликда районини социал-иқтисодий ривожлантириш пиланида ишлаб чиқариш ҳажмининг 28,3 процент, меҳнат унумдорлигини 18,8 процент ўстириш кўзда тутилган.

○ «Ташселемаш», енгил металл-конструкциялар, «Ташэлектромаш» заводларида ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатларини юксалтириш мўлжалланмоқда. Бу корхоналар тўла ҳўжалик ҳисоби асосида ишлалмоқда.

○ Умумтаълим мактаблари тармоғи тобора кенгайиб борапти. Бу ерда умумтаълим мактабларидан кўни узайтирилган гуруппаларга болаларни кўпроқ жалб этиш, КПСС Марказий Комитетининг фев-

раль [1988 йил] Пленуми қарорлари асосида меҳнат таълимини янада яхшилаш учун устахоналарни ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Агар 1980 йилда район бўйича ҳар минг аҳоли ҳисобида 103,3 ўқувчи ўрни мавжуд бўлса, ҳозирги вақтда бу аҳвол кескин яхшиланди. Ун иккинчи беш йилликда аҳоли сони ўсишини ҳисобга олиб ва умумтаълим мактаблари учун 4 та типовой мактаб биноси қуриш мўлжалланмоқда. Мактабгача болалар муассасалари қурилишига ҳам эътибор қўйилмоқда. Масалан, 1990 йилгача 5 та мактабгача болалар муассасалари барпо этиш белгиланган. Жами мактабгача болалар муассасалари сони 80 га етказилади.



Янгича аъаналар—ҳаётимиз кўрки

ДИЛЛАР ЯЙРАЙДИГАН МАСКАН

Ҳозирги кунда В. Н. Сивец номидаги авиасозлар маданият саройида ва унинг филиалларида 176 та турли клуб, бадий ва техника жиддий коллективлар, халқ университетлари ишлаб турибди. Бу ерда олти мингдан зиёд авиасоз ва уларнинг оила аъзолари қатнашмоқда. Маданият саройини бадий коллективлари республикада ўтказилган барча байрам концерт программаларида фаоллик кўрсатишмоқда. Хусусан, улар халқ ижодкорлари коллективларининг II Бутуниттфок фестивалида қатнашди. Ёттига бадий хаваскорлик коллективи фестивал лауреатлари бўлди. «Сирис» халқ киностудияси томонидан ишланган фильм 1988 йили Брнода ўтказилган халқаро конкурснинг олтин медалига сазовор бўлган. «Парвоз» ашула ва рақс ансамбли ва «Граммифон» дискотеклиб гастроль концертлари билан Франция ва Болгарияга бориб келган.

Еш авлодин тарбиялаш саройининг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. «Ўсмир ва қонун» юридик ўқув университети ўз тинг-

ловчиларига асосий қонуний ҳуқуқлар, СССР гражданиларнинг бурчлари билан таъминлаш бормоқда.

Ҳозирда саройнинг атеистик ўқув университети ўз ишларини жонлантирди. Бу эса университетга келадиган тингловчиларнинг сони бир мунча ошишига сабаб бўлмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳар йили бу ерда Совет Армияси сафига қақририлган бағишлар «Нақрилувчилар кўни» кечаси ўтказилади. Бундай кечалар Ҳамза райони ҳарбий комиссариати билан ҳамкорликда бўлади. Бу каби жатимой-сиёсий тадбирлар районда анъанавий бўлиб қолмоқда. Шунингдек, сарой байрамларга, турли касб кўнларига бағишланган кечаларини ҳам ўтказиб бормоқда. Илчи касбини мадҳ этувчи «Илчи синфига бағишланади» деб номланган тадбир ёшларнинг касбга бўлган меҳрини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

— Маълумки, бизнинг маданият саройимизнинг иккита филиали мавжуд, — дейди сарой директори В. Г. Объяедков. — Булар «Вос-

ток» ва «Звезда Востока» деб номланади. «Звезда Востока» клуби, асосан, кинозал ҳисобланади. 1987 йилда бу клуб план топшириқларини 110 процентга бажаишга қўлаб деб топилди. «Восток» клуби эса деярли Республика сатира театри коллективига берилган. Шунга қарамай, бу ерда 30 та бадий хаваскорлик коллективлари ишлаб турибди. Уларда 600 дан ортиқ киши иштирок этмоқда. Шу ўринда бир нарсани айтишим керак, «Восток» клубига ажратилган бино жуда эски. Шунинг учун бу бинони ҳар йили ремонт қилишга мажбурмиз. Бунга албатта, маълум қийматдаги маблағ талаб этилади. Бундан ташқари, бинонинг ички қисми бу ерда ишлайётган бадий коллективларга торлик қилапти. Шунини айтиш жонзекки, биз район ижроия комитетига бир неча бор бинони кенгай-

тириш ҳақида илтимос билан мурожаат қилганмиз. Лекин улар натижасиз қолди.

Ҳақиқатан ҳам В. Н. Сивец номидаги маданият саройи амалга оширадиган ишлар диққатга сазовор. Лекин учраётган муаммолар тезда бартараф этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Барча маданий-тарбиявий ишларни шундай ташкил этиш керакки, улар кишилар аҳтиёжини тўла қондириши, уларнинг манфаатига жавоб бериши лозим. Албатта, бу сўзларнинг амалга оширилиши маданият саройи ишлари ана ҳам яхшироқ бўлишини талаб этади. Бунини эса, коллектив қиладиган янги ишлардан ва амалга оширадиган турли тадбирлардан англалса бўлади.

ДИЛЛОЛОВА: саройнинг умумий қўрилиши (юқорида); пастдаги суратларда тўғрақларда машғулотлар ўтмоқда.

Р. Шарилов фотолари.

БОРИСЛАРИМИЗ ТАШВИШИДА

«Бизнинг мактабимиз ягона мактаб бўлиб келганиги ва шундай бўлиб қолгани шубҳасиз. Ҳозирги-тарбиявий йўналиши, шарт майдончаси бўлиш маъносиде ягона ҳар бир кишига ўз қобилиятларини, ўз надири».

(КПСС Марказий Комитетининг 18 февраль Пленуми материалларидан)

Зумрад кўчасидан Ҳуснобод кўчасига бўрилишимиз билан қўлғомимизга болаларнинг шодон ҳайқирлиқлари, марангдор кулгилари эшитилди. Кўз олдимизда аюйиб манзара пайдо бўлди: танасфус чоғи шекилли, мактаб ҳовлиси болаларга тўла эди. Бир тўп болалар ўзаро ниманидир қизғин баҳслашарди. Бир нечта қизалоқ эса қўишли кунда дараклар кўртакни кузатишарди. Яна бировлари бўлса мўлола билан банд.

Бу бахтиёрлар маскани инқилобнинг буюк кўйисини Ҳамза номидаги 227-мактаб.

Мактаб тарихидан сўзлайдиган бўлсак, у Тошкентда ер қимирлаган ўша 1966 йилда қурила бошлаган. 1968 йилда ўз бағрига ўқувчиларини қорлаган. Ҳозир икки смендада 950 пионер ва ўқувчи фан сирларини эгалламоқда. Имконият даражасида жиҳозланган фан кабинетлари улар хизматига.

Икки муаммо ҳозирги мактабларимиз олдида қўйилган бўлиб турибди: бири — таълим-тарбия ишларини тўдан қайта қўриш; иккинчиси — болаларнинг бўш вақтини ҳам шароитлиқ ўқитиш. Мактабнинг директори Инобат Ҳўжаева ва ташкилотчи Муассар ОртиқҲўжаевлар билан бўлган сўхбатимиз асосан шу ким йўналишда борди.

ИНОВАТ ҲЎЖАЕВА: еш авлодин тарбияси буюк ҳақим ибн Сино айтганидек, тугилиш билан бошлангани керак. Шундангина қўзлаган мақсадларга эриша оламиз.

Мактабда иш олиб бораётган олти ёшлар гуруппасига алоҳида эътибор қилинмакда. Бу йил боғча ремонт қилинганлиги сабабли унинг олти ёшлар гуруппаси ҳам бизнинг мактабда фаолият кўрсатапти.

Болаларимиз бу ерда худуд ўз уйларидагидек яшаб, ўқишади. Вақтида ўйнашади, вақтида оватланашади, вақтида ухлашади. Қўиқурун соат бешдан кейин уйга қўлаб берилади. Уларнинг бошқад ўқитувчилари Матлуба Отажонова, Зухра Дамасова, тарбиячилар Дилбар Раимова ва Шаҳноза Азизовалар парвона.

МУЯССАР ОРИҚҲУЖАЕВА: дарсдан ташқари ақалларни қай йўсида ўқитиш ҳозир мактаблар олдида турган энг катта муаммолардан бири. Шаҳар мактаблари ўқувчилари дарслар тугагач, кўпиче бекор қолаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Мактабимизда микрохоталар йўқ. Фақат стадион, спорт зали бор. Уларни ҳали талабга тўла жавоб берадиган қилиш учун неча йиллар вақт кетади. Болаларни назоратдан четда қолдирмаслик учун элди ягона йўл — тўғрақлар фаолиятини ривожлантириш.

Бизда деярли барча фан тўғрақлари ишлаб турибди. Лекин икки тўғрақка — драма ҳамда фото тўғрақига болалар катта иштиёқ билан қатнашадилар.

Драма тўғрақининг ҳозирги вазифаси — адабиёт хрестоматиясига кирган янги адабларнинг асарларини соҳналаштириш, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза тугилган кунга адабий кеча ўтказишдан иборат.

касб-ҳунар ўргатишга эътибор кучаймоқда. Шарт-шароит ҳам яхшиланиб бормоқда. Мактабимизда касб-ҳунар ўрганиш комиссийаси иш олиб борапти. Унинг вазифаси болаларда бор бўлган у ёки бу касбга иштилишни, лавқатни тарбиялашдан, тўғри йўллама беришдан иборат.

Коридордаги касб-ҳунарга ўрганишга бағишланган стендларни кўрдингизми? Уларни Тошкент авиакорхонасига қарашли ҳунар-техника билим юртлари тайёрлашган. Ой сайин билим юртлари ўқувчилари билан учрашувлар ўтказамиз. Мактабимиздаги дурадгорлик, слесарлик устахоналарида эса улар болаларимизга ўрганган ҳунарларини намойиш этадилар.

Кўни кеча авиакорхонанинг илғор ишчиси, КПСС XXVII съезди делегати Владимир Тўйчевич Одилов билан учрашув ўтказдик. Делегат ишчининг сўзларини болалар мароқ билан эшитишди.

Учрашувларнинг, касб-ҳунар кечаларининг беҳуда кетмаслигини шу фактларнинг ўзиёқ исботлаб турибди: 1987 йилда мактабни тугатган ўнга яқин йигит 15-ҳунар-техника мактабига ўқишга, яна шунчиси Чкалов номи авиакорхонада ишлалмоқда.

Ушбу йили бошида ташкил этган энг яхши ишларимиздан бири педагогик синф бўлди. Педсиффа Солимон Ҳасанов бошлиқлик қилапти.

Педсиффининг шарт-шароити қўйидаги: 9-10 синф ўқувчиларидан келгусида ўқитувчи бўлишни хоҳловчилар бир синфга йиғилади. Улар ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига бормасдан, ҳафтада бир кун педагогика асосларини, она тили ва адабиётини чуқур ўрганадилар. Педсиффини тугатган ўқувчиларга гувоҳнома берилади. Педагогика институтлари-га киришадиганда ҳам алоҳида имтиҳонга эга бўладилар.

Мақсад — бўлажақ ўқитувчиларимизни мактаб партавидан шу касбга ўргатиб бориш. МУЯССАР ОРИҚҲУЖАЕВА: қиладиган ишларимиз кўпчилигини янада таъкидлаш ортиқча. Мактабимизда ўқиш икки сменада олиб борилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, исплохот талабларига тўла жавоб беришимиз учун етарли база йўқ. Устахонадаги дурадгорлик дастгоҳларини сотиб олинганда 20 йил бўлди. Ўқувчиларга ҳозирги кун даражасида таълим бериш учун моддий-техника базаси бўлиши шарт.

Дарслар бир сменада бўлганида дарсдан ташқари ишларни юқори савида олиб бора-сак бўлади. Болалар ҳам ҳаммаша назорат остида турардилар. Ҳозир тўғрақ машғулотни ўқитиш учун қайси синф бўш экан, деб қидириб юрамиз.

База йўқлиги биз учун баҳона бўлолмайди. Мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланамиз. Келажакдан эса... Келажакдан умидимиз катта.

Биргина шу мактабда қанча муаммо. Тўғри, исплохот бир кунда амалга ошадиган осон иш эмас. Иштирганга толе ёр, дейди халқимиз. Фарзандларимизни оталар аниясига муносиват қилиб бўлиб еттишимиз учун барча имкониятини ишга солиш — ҳаммамизнинг вийждоний бурчимиздир.

В. ЗАЙНУДИНОВ.



Атроф-муҳит муҳофазаси

Табиат чехраси— сув билан гўзал

риторияси орқали эсадиган шамоллар турли хил зарарли газларни бу ерларга келтиради. Шунинг билан ҳам янги йўл қўйилганлар. Афсуски сува нисбатан бўлган меҳр-муҳаббатли аъналаримизга эндиликда рию қилмай қўйди.

Чирчиқ дарёси, Қорасув, Салор каби ариқларнинг ҳар иккала соҳилидан 50 — 200 метрлик яшил зоналар ташкил этилиши негадир аввалроқ режалаштирилмади. Қурилиш ишлари асосан Тошкент элизиладан сунг амалга оширилса, ҳам архитектура, лойиҳачиларимиз дунё шаҳар қурилиш тажрибасига самарали ҳисобланган бу усулга эътибор бермадилар. Ўз ўрнида бўлса, Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғига қурагани «Мотор» заводи қурилиши. Эндиликда Ҳамза райониининг Раҳмат Шамсидинова кўчаларидан жанубагити майдонларини, Ленин районининг Қўйлиқ массивини, Сергели райо-

нинг Чирчиқ дарёсига тўташ зонасидан ер ости сувларининг зарарланшига, қоллаверса бора-бора экологик вазиятнинг кескинлашувиға сабабчи бўлади.

Сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофиза қилишга бағишланган биринчи қонунни қадимги юнон фаласуфи Аполтон (эраимиздан аввалги IV — IV аср) «Қонунлар» асарига баён қилган. Аллома шундай ёзади: «Сув тўғрисида қўйидаги қондага амал қилинсин: агар кимки бошқа биронинг бўлоқ ёки йиғиб қўйган ёмғир сувини ифлос қилса, заҳарласа, ёпиқ ариқ орқали бошқа томонга бурса ёки ўйирласа, у холда жабрланувчи ҳақиқат ҳукмдори астином (сув

«Тошкент оқшоми» сайёр редакцияси Ҳамза райониди

Факт ва рақамлар

○ Маданият муассасаларини ривожлантиришга ҳам қатъий эътибор қаратилади. 24 та кутубхона аҳоли хизматида. 200 дан зиёд тўғариларда меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари фаол қатнашмоқдалар. Шу беш йилликда «Ташкельмаш» заводи маданият саройини ишга тушириш белгиланган. «Домостроитель» маданият саройи реконструкция қилинди. «Современник», «Ровесник» маданият уйлари эса капитал ремонтдан чиқарилди. Район территориясида Шумилов номидаги болалар боти, «Бахт» ва «Рохат» дам олиш зоналари ишлаб турибди. Бу дам олиш зоналарида фақат раёонгина эмас, балки шаҳар меҳнаткашлари ҳам хордиқ чиқарадилар.

Шу сабабли ўн иккинчи беш йилликда «Рохат» дам олиш зонасида 12 та замонавий усти ёпиқ айвонлар, автомобиллар туриш майдончаси бунёд этилади. «Бахт» дам олиш зонасида эса ирригация системаси жиҳозланади. Унинг атрофини ободонлаштириш бўйича қатти ишлар олиб борилади. Бу ерда қўшимча яна иккита спорт майдончаси қуриш кўзда тутилмоқда. Бу йил «Бахт» дам олиш зонасида қувноқ аттракцион қурилмоқда.

● 1988 йил 2-кварталида 3 та музика мактаби биноси капитал ремонтдан чиқарилади. Ҳозир 5 та музика мактаби болалар хизматида.

Районда битта спорт клуби, 7 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ишлаб турибди. 32 корхона ва муассаса, 26 умумтаълим мактаби, 6 ҳунар-техника билим юрти, 2 техникум ва бир олий ўқув юртида физкультура коллективлари ташкил этилган.

Қарийб чорак миллион аҳоли истиқомат қиладиган район учун бу кўпми ёки камми?

Утган йили районда 175 нафар СССР спорт мастерлари, мастерлики номзодлар ва биринчи разрядли спортчилар, 17061 ГТО нишондорлари тайёрланди. Тасдиқланган программа бўйича физкультура ва спорт билан шуғулланётганлар сони 30 дан зиёд йиллик оммавий физкультура тадбирлари мусобақалар, спорт байрамлари ўтказилди. «Чарм тўли» клуби соврини учун болалар ва ўсмирлар ўртасидаги мусобақалар, «Куяноқ стартлари», «Умид стартлари», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» шiori остидаги мусобақалар тобора оммавийлашиб бораётган. Аммо иккинчи даражаси бўлганда улар янада салмоқли бўлиши мумкин эди.

Келинг, масаланинг моҳиятига назар таштайлик. Мамажуд спорт иншоотлари район аҳолиси эҳтиёжини қондиради, йўқми — шунга эътибор берайлик. Афсус билан қайд этиш лозимки, бевосита район территориясида йиллик тадбирлар, оммавий мусобақалар ўтказилмаган. Бирорта ҳам мукамил стадион йўқ. Ягона сузиш хавзаси ТШМЙ территориясида жойлашган бўлиб, унда район аҳолисининг суз спорт билан шуғулланишиш, ўз соғлигини тиклаши учун иккинчи йўқ. Суз хавзаси студентларнинг ўзидан бўшамайди.

Райондаги жами спорт иншоотлари (мактаблардаги энг оддий ўйин майдончаларини қўшиб ҳисоблаганда ҳам) 200 дан ошмайди. «Ғалабанинг 40 йиллиги» массивида 20 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладди. Вақоланки, бу ерда бирорта ҳам спорт майдончаси йўқ. Наҳотки уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш трести (бошқарувчиси Р. А. Акмалов), Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг уй-жой-коммунал бошқармаси (бошлиги А. П. Завьялов) раҳбарларини бундай вазият ташвишлантормаса?

Мамажуд спорт майдончаларининг аҳоли ҳам қаноатлангирмайди. Улар зарур жиҳозлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги учун аҳолининг ошиб бораётган эҳтиёжига жавоб берайди. Ҳатто раёоннинг энг яхши спорт майдонларидан ҳисобланган

5-ЖЭК ҳузуридаги «Авиастроитель» стадионида ҳам, 4-ЖЭКнинг Лисувон кўчасидаги майдончаларида ҳам энг оддий ёрдамчи хоналар йўқ. Томошбинлар ва ишчиболалар учун минибарлар, душхоналар, хизмат кўрсатувчи ходимлар, қўзғалмали агитациянинг йўқлигини айтиб ўтирмаймиш. 244-мактабнинг сузиш хавзаси қаровсиз ётибди. 33-ҳунар-техника билим юртида бунёд этилаётган суз хавзаси қурилишининг ниҳоси кўринмайди. Аксарият ЖЭКларда, маданият ва истироҳат боғларида «Саломатлик гуруҳлари» ташкил этилмаган.

Давр тақозоси

РАЙОН СПОРТ ВА ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ИШЛАРИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

Шу ўринда уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш трестининг «Саломатлик шаҳарчаси» комплексини ҳарид қилиш учун неча пул ўтказишни пайсалга соловатганлигини тушуниб бўлмайди. Вақоланки, ана шу мақсадлар учун етарли маблағлар ажратилган. Мамажуд спорт майдончалари шўхларнинг барча районлари учун «СССР 50 йиллиги» номидаги Тошкент трактор заводи» бирлашмаси ишлаб чиқараётган. Улар айрим районларда ишга тушган. Масалан, Октябрь районининг «Марказ-13» кварталда.

Районда 10 та ўсмирлар клуби ишлаб турибди. Уларнинг ҳузуридаги тўғариларда ва секцияларда 2300 ёш шуғулланимоқда. Спортнинг 21 тури бўйича 424 секция гуруҳлари фаолият кўрсатяпти.

Мамажуд ўсмирлар клубларидан 4 таси уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш трести, қолганлари эса турли идоралар ҳузурида фаолият кўрсатяпти. Сўнгги йилларда аҳоли истиқомат жойларида олиб борилаётган ишлар бирмунча жонланди. Ташкил этилаётган тадбирлар қўлайлиб, улар мазмунли жиҳатидан бойиди. Тадбирларда иштирок этётганлар сони кўпайиб бораётганлиги ҳам ана шундан далолат беради.

рақ раҳбарлари, техника ижодий уйи, пионерлар уйи, маданият уйи ходимлари жонбозлик кўрсатишмоқда», дейди ЖПЭТ катта педагог ташкилотчиси Флора Мухамедова. Ана шундай жонқуварлигини таъриф қилган 63-ЖЭК (бошлиги А. А. Попова)нинг «Слоник» массивидаги мўъжазига майдончаси оммавий тадбирларнинг чинамал марказига айланган.

Утган йили районда жула қўп оммавий-маданий ва спорт тадбирлари ўтказилди. Уруш ва меҳнат ветеранлари, районнинг донгдор кишилари, ёзувчи ва шоирлар билан урдушувлар, конкурслар, эскирусиелар, концертлар, тури спорт мусобақалари шулар жумласидандир.

Шу билан бирга аҳоли истиқомат жойларидаги оммавий ишларни ҳали қосқас савияда деб бўлмайди. Сабаби, ҳамма ўсмирлар клублари ҳам барча зарур шароитларга эга эмас. Турли анжомлар, спорт формалари етишмайди. Шунга қарамай, ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан тўла фойдаланилаётгани йўқ. Масалан, ўтган йили спортни ривожлантириш учун ажратилган 32 миң сўмдан аттиги ярми сарфланган ҳолос.

Шу ўринда яна шунини айтиш керакки, спорт анжомлари пул ўтказиш йўли билан Марказий



«Пахтакор» стадионидаги 3-магистралда ҳарид қилинади. Магазин эса биринчи навбатда спорт ихтисосидаги муассасаларни таъминлайди. Қолган қўтқариларига ўсмирлар клубларига насиб этди.

Район ижроия комитети 1987 йилда 75-ЖЭК ҳузурида ўсмирлар клубини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Мутасадди ташкилотлар тегишли назорат ўрнатмаганликлари туфайли бу масала ҳамон оро йўлда ётибди. 1986—87 йилларда ижроия комитети ки-иқилар бўйича клубларга хона ажратиш ёки бўш ётган хоналарни бириктириб қўйиш тўғрисида бирорта ҳам қарор қабул қилгани йўқ. Бу ҳар иш тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Масалан, футбол бўйича тренер А. П. Кузнецов 96-ЖЭУга қарашли 33-уйнинг биринчи қаватида бўш ётган хонани топиб, уни таътибга келтирди. Эшик ва дераза ромларини ўрнатди, ойна қўйиб, деворларига гулқоғоз ёпиштирди. Шу хонада районда биринчи «Ойнош» ўсмирлар спорт клуби ташкил этилди. Ижроия комитетнинг қарори бўлганда эди, бинойи қолга келган ана шу хонага ҳозир бошқалар кўз олайтирмаётган бўларди.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш керак: қанончаке биз ишлар тарбаси билан шуғулланувчи муассасалар учун оддий санитария нормалари ҳам яратилмаган хоналари, ертўлаларини ажратмади. Тўғри, ҳозир олинмида, биринчи навбатда, олинларни уй-жой билан таъминлаш масаласи турибди. Аммо соғломлаштириш тадбирлари, ишлар тарбаси ҳам иккинчи даражада масала эмас, у социал аҳамиятга эга.

Партия ва ҳукуматимизнинг физкультура-соғломлаштириш ҳамда оммавий-маданий ишларни янада яхшилаш масалаларига оид барча қарорларидеб корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари маданият оқертув, спорт мутахассислари учун барча зарур шароитларни яратишлари, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришлари лозимлиги ўқтирилади.

Ҳозир олий спорт маълумоти эга бўлган аммо квартира олиш ниятида уй-жой ташкилотларига оддий слесари, лифтир сифатида жойлашиб, ярим маошга тренерлик қилаётган кўпгина мутахассислар бор. Уларни ўз соҳаларига жалб этиш, зарур шароитларни яратиб бериш мақсадага мувофиқ бўлар эди. Давр шунини тақозо этади.

А. АБДУЛЛАЕВ.



Район аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида қиёнда янги автомат телефон станцияси ва «Ягодка» магазини ишга туширилди.

СУРАТЛАРДА: Автомат телефон станцияси биносининг ташқи кўриниши; янги магазин.

Т. Каримов фотолари.

ЖИНОЯТ СОДИР БУЛАДИ

ЎГИРЛИК
● Ички ишлар органлари ходимларининг машаққатли қидирувлари туфайли ўтган йилнинг ноябрь ойида Қўйилли массивида жойлашган 26-уй ва шу йилнинг 6 февралда шу массивнинг 18-уйдан ўғирланган буюмларнинг бир қисми топилиди. Текширув ишлари давом этмоқда.

● Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти слесари В. Н. Соловёвнинг ёрдамида шу йилнинг 22 февралда Финкельштейн кўчасида жойлашган уйларнинг бирига бостириб кирган ўғирлар шу ернинг ўзида қўлга олинди.

● Ленин район ички ишлар бошқармаси ходимлари Мингилев, Закирзевларнинг хушёрлиги туфайли А. Цеткин кўчасидаги «Қўйилли тоғи» тикучилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг санаторий-профилакторийси оғирхонаси

дан 25 февраль кечаси ўғирланган бир қанча буюмлар ўз жойига қайтарилди. Ушбу жиноят иштирокчилари ўша жойнинг ўзида қўлга олинди.

● Ички ишлар органлари томонидан фовш этилаётган жиноятларнинг кўпчилиги мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётганлиги, айниқса ташвишландир. Масалан, 10 январь кундуз кунин Ҳамза район территориясидан оқиб ўтувчи Салор ариги қирғоғида жойлашган 2-уй ёнида тўрт ўсмир 61-мактаб 3-синф

ўқувчисининг болонья курткасини ечиб олган.

21 февраль кундуз кунин 48-мактаб ички ўқувчиси А. Қажор кўчасида жойлашган «Вторсир»нинг 7-қабул пункти томонидан ошиб бўшба, оёқ кийим, қўйлак ва бошқа буюмларнинг ўғирлашган.

Узингиз пайқаган тартиб-сизилиқлар, жиноят, бедарак йўқолганлар ҳақидаги маълумотларни 33-71-47 ёки 56-99-10 телефонларини ҳамда «02» телефони бўйича хабар қилишингизни сўраймиз.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

29 ФЕВРАЛЬ — 6 МАРТ
ХОТИН-ҚИЗЛАР, СИЗЛАР УЧУНИ

Пойтахтимизнинг барча театрлари ва санъат даргоҳларида қиёлашиб нелаётган 8 март — Ҳалқаро хотин-қизлар байрамига атаб турли тадбирлар ҳозирланмоқда. 5 март кунин Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта опера ва балет театрида бу байрамга атаб ўзбекистон санъат усталари икросида катта концерт қўйиб берилди. Бунда театрининг етук санъат арбоблари билан бир қаторда М. Қориеқубов номидаги ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмасининг коллективлари ҳам қатнашадилар.

● МУҚИМИЙ номидаги музикали театр ижодий коллективи ўзининг фаолиятида ўзбек хотин-қизларининг ўтмишдаги аянлиқ тандири ва бугунги фаровон турмуши ҳақида хиноя қилувчи кўпнаб асарларни яратган.

Хотин-қизлар байрами муносабати билан Ҳамза Ҳакимзода Нисезининг «Паранкири» драмаси томошабинлар диққатига ҳавола қилинади.

Бу спектаклни 2 март кунин соат 19 да кўриш мумкин.

Спектаклда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Наима Пулатова, Мария Ихтиёрова, Ўзбекистон Ленин комсомолу нуқсоноти лауреати Одина Гозиева ва бошқалар қатнашадилар.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Фароғат Раҳматова атоқли драматург Комил Яшиннинг «Нурхон» драмасида бош ролни узоқ йиллардан буён икроси этиб келган. Истеъдодли санъаткор байрам муносабати билан намойиш қилинади ва бу спектаклда яна бир бор томошабинлар олишмига сазовор бўлади.

● «Нурхон» спектакли 9 март кунин намойиш этилади.

М. Қориеқубов номидаги ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси маъмурияти хотин-қизлар байрами муносабати билан жойларда бўладиган тадбирларда маданий хизмат кўрсатишга ҳозирлик кўрмоқда.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Қизилархон Дўстмухамедова, Бутуниттифоқ конурусининг лауреати Павел Борисов иштирокидиган санъаткорлар гуруҳи Ўзбекистон Фанлар академиясининг химия илмий тадқиқот институти коллективига маданий хизмат кўрсатади. Санъаткорларнинг олимпик билан учрашуви 1 март кунин соат 15 га белгиланган.

Бирлашманинг яна бир ижодий гуруҳи санъаткорлар билан болалар санаторийси коллективини ҳузурида концерт беради. Шунингдан концерт бригадалари 5 ва 6 март кунларини «Чинаба» санаторийси дам олиучилари ҳузурида меҳмон бўлади.

● ЎЗБЕКИСТОН Театр арбоблари союзи ва унинг актёрлар уйи хотин-қизлар байрамига атаб бир қатор маданий тадбирларни ўтказишга ҳозирлик кўрди.

Улуг Ватан уруши йилларида жанг майдонларида ўзбек санъатининг намойиш қилган инодорлардан иборат Зебо Ғаниева номидаги ансамбль санъаткорлари Нисозим номидаги Тошкент Давлат педагогика институти студентлари учун концерт беради.

Бу концерт 4 март кунин соат 18 да институт биносидеб бўлади.

● Актёрлар уйида 3 март кунин ўтказиладиган адабий композиция халқларимизнинг улуг шоирлари Алишер Навоий ва Александр Пушкин шеърятларини тараннум этишга бағишланган. Бу тадбирни педагог Т. Аҳмаджонов олиб боради.

ИСТЕЪДОЛИ САЪЪАТКОР
«Еш гвардия» театрининг артисти Эркин Комиловни томошабинлар ҳаммиша илқ қўтиб оладилар. У «Шошма қўш», «Ўғрини қароқчи ўрди», «Кўё», «Келинлар кўзголини» асарларида барнамол образлар яратди.

6 март кунин «Еш гвардия» театрида бўладиган Эркин Комиловнинг ижодий кечасида томошабинлар у билан яқин мулоқотда бўладилар, санъаткор образларини қандай яратгани ҳақида гапириб беради, ижодий режалари билан ўртоқлашади.

● «БИЛИМЛАР УЙИ»ДА
29 февраль кунин соат 16 да бўладиган сўхбат «А. С. Макарено оилада тарбия тўғрисида» деб номланган. Уни педагогика фанлари кандидати Е. Шани олиб боради. Шу кунин соат 19 дан 30 минут ўтганда «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг редактори Тилаб Маҳмудов журналхона билан учрашади. У ижодий коллективнинг режалари, нелгусида журнал саҳифаларида ёритиладиган масалалар ҳақида фикр юртади. Учрашув нихосида Ўзбекистон санъат усталари икросида концерт берилади.

А. ПУЛАТОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗҚОБОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ИДОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

29 ФЕВРАЛДА

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРДИ

«ДАНИИЛ—ГАЛИЦИЯ КНЯЗИ»

Сценарий муаллифи — О. ЛУПИЙ, Я. ЛУПИЙ иштирокида.

Режиссёр — Я. ЛУПИЙ.

Ролларда: В. ЕВГРАФОВ, И. ГАВРИЛЮК, С. БИСТРИЦКИЙ ва бошқалар.

Бу — XIII аср Русиянинг атоқли давлат арбоби — тармуғул зулмига қарши кураш ташкилотчиларидан бири, саркарда ва дипломат, князь Даниил Галицкий ҳақидаги тарихий фильмдир.


ОДЕССА КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАХСУЛОТИ.

«ЁШЛАР ЭРМАГИ»

Сценарий муаллифи — В. МЕРЕЖКО. Режиссёр — Е. ГЕРАСИМОВ.

Ролларда: С. ЛЮБИШИН, М. ЗУДИНА, Н. РУСЛАНОВА ва бошқалар.

Сюжетда савдо-санъат техникуми ўқувчиларининг физкультура ўқитувчиси нисбатан қўлаган шафқатсиз найрангбозлиги тарихий ётган мазкур экрани муаллифлари унда ҳозирги замон ёшларининг характерларини жиддий тадқиқ этишга ҳаракат қилганлар.



М. ГОРЬКИЙ номидаги киностудия МАХСУЛОТИ.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
А. НАВОИЙ номидаги ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

- | | |
|---|---|
| 1 марта — СУҒД ЭЛИНИНГ ҚОЛПОНИ. | 13 марта — «ОЛОВИДНИННГ СЕХРЛИ ЧИРОҒИ» (12.00 да), СЕВГИ ТУМОРИ (19.00 да). |
| 2 марта — ЖИЗЕЛЬ. | 15 марта — ПЕТР БИРИНЧИ. |
| 3 марта — ИОЛАНТА. | 16 марта — ЗАМОНАВИЙ ХОРЕОГРАФИЯ КЕЧАСИ. |
| 4 марта — УИҚУДАГИ ГҒУЗАЛ. | 17 марта — ХИВА ОРЕДЕНИ. |
| 5 марта — КНЯЗЬ ИГОРЬ. | 18 марта — СЕВГИГА СЕВГИ БИЛАН. |
| 6 марта — ГҒУЗАЛ ВАСИЛИСА (12.00 да), РИГОЛЕТТО (19.00 да). | Кичик экспериментал сахнада соат 17.00 да — ОНА ҚАЛБИ. |
| 8 марта — ОЛОВЛИ ФАРИШТА. | 19 марта — ФЛОРИЯ ТОСКА. |
| 9 марта — ОҚҚУШ КУЛИ. | 20 марта — ЗОЛУШКА (12.00 да), ФАУСТ (19.00 да). |
| 10 марта — ЗЕБУННИСО. | 22 марта — БОРИС ГОДУНОВ. |
| 11 марта — РАЙМОНДА. | Билетлар сотилмоқда. |
| Кичик экспериментал сахнада соат 17.00 да — ИНСОН ОВОЗИ. ТЕЛЕФОН. | |
| 12 марта — ПИКОВАЯ ДАМА. | |

СОАТ—АЖОЙИБ СОВҒА



ҚАНДАЙ СОВҒА ТАНЛАШНИ БИЛМАЙ ИККИЛАНИБ ТУГАН БУЛАНГИЗ, СОАТ ХАРИД ҚИЛИШНИ ТАВБИЯ ЭТАМИЗ.

«ОЛМОС» улгуржи-чақана савдо бирлашмасининг ЗАРГАРЛИК МАГАЗИНЛАРИДАН:

эрқақлар ва аёлларнинг «ПОЛЕТ», «СЛАВА», «ЗАРЯ», «ЧАЙКА», «ВОСТОК» маркали қўл соатларини;

«ЯНТАРЬ», «СЛАВА», «ЛУЧ», «ЗАРЯ», «РАКЕТА» маркали кварцли ва электрон-механик будильникларини

ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН
РЕСПУБЛИКА «ОЛМОС» УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

29 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ХАЕТ МАЗМУНИ» НИ (21.00).

Москва — «КАПУЦИНЛАРЛАР ХИБЕОНИДАГИ КИШИ» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Дружба — «ЕШЛАР ЭРМА-МА-ГИ» (жуфт ва тоқ соатларда ва 21.00 да).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЕШ-ЕШЛАР ЭРМАГИ» (жуфт соатларларда, сўнгги сеанс 20.00 да).

Қозғонистон — «ХАЕТ МАЗ-АЗ-МУНИ» (19.00); «ЕТТИНЧИ УҚ» (17.00).

М. Шайхзода номли — «УН-УН-ТА НЕГР БОЛАСИ» (18.30, 8.30, 20.45).

Нурис — «САРГУЗАШТ ИЗ-ИЗ-ЛОВЧИЛАРИ» (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

Тошкент Советининг 50 йил-йиллиги — «КАПУЦИНЛАРЛАР ХИБЕОНИДАГИ КИШИ» (18.00).

Ватан — «КАПУЦИНЛАРЛАР ХИБЕОНИДАГИ КИШИ» (21.30).

Искра — «ХАЕТ МАЗМУНИ» НИ (20.00); «УНТА НЕГР БОЛАСИ» СИ (17.15).

«ИНТУРИСТ» маданий-ахборотро тармакз қошмадаги кино мух-мух-хисларни клуби — «МОТАМСАРАРО СУКУНАТ» (19.30), А. Сакуров-ровнинг «КЕЧКИ КУРБОН» ва ва «БОШҚА ХЕЧ НАРСА» номли кинохужжатли фильмлари (19.30, 30).

1 МАРТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ХАЕТ АЕТ МАЗМУНИ» (кички зал, 12, 12, 14.30).

Чайка — «ХАЕТ МАЗМУНИ» НИ (21.00).

Москва — «КАПУЦИНЛАРЛАР ХИБЕОНИДАГИ КИШИ» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Дружба — «ЕШЛАР ЭРМА-МА-ГИ» (жуфт ва тоқ соатларда ва 21.00 да).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЕШ-ЕШЛАР ЭРМАГИ» (жуфт соатларларда, сўнгги сеанс 20.00 да).

Қозғонистон — «ХАЕТ МАЗ-АЗ-МУНИ» (19.00); «ЕТТИНЧИ УҚ» (11, 13, 15, 17.00).

М. Шайхзода номли — «УН-УН-ТА НЕГР БОЛАСИ» (18.30, 3.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йил-йиллиги — «КАПУЦИНЛАРЛАР ХИБЕОНИДАГИ КИШИ» (14, 18.00, .00).

Ватан — «КАПУЦИНЛАРЛАР ХИБЕОНИДАГИ КИШИ» (12, 14, 14, 21.30).

Искра — «ХАЕТ МАЗМУНИ» НИ (12, 20.00); «УНТА НЕГР БОЛА-ЛАСИ» (14.30, 17.15).

М. Қориеқубов номли ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси сн В. И. ЛЕНИН НОМЛИ И СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА 7-8 МАРТ СОАТ 19.30 да «ШОДЛИК» ДАВЛАТ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

КАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР халқ ар-артисти

ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУХАМЕДОВА
Ўзбекистон ССРда хизмат мат кўрсатган артист НАРИДДИН ШЕРМАТОВ

СОЛИСТАР: Нуриддин дин ҲАЙДАРОВ, Дилором ҚАЮ-АЮ-МОВА, Бахтиёр ХОЛХУЖА-КА-ЕВ.

Программани — Ўтқир кир СИДИЛДОВ олиб боради. 1. Ансамблининг бадий раҳ-заҳ-бари — Қорақалғистон тои АССР халқ артисти, Ўзбе-бекистон ССРда хизмат кўр-сатган артист Гулшод ОТА-ТА-БОВЕВА.

Ансамбли